


# Закот берувчидар бўлиши лозим шартлар



10:29 / 25 марта 2021

1. Мусулмон бўлиш.
  2. Балоғатга етган бўлиш.
  3. Оқил бўлиш.
  4. Ҳур бўлиш.

*1. Мусулмон бўлиш.* Мусулмон бўлмаган одамга закот фарз бўлмайди. Мусулмон бўлмаган одамдан закот олинмаслиги закот исломий ибодат бўлганидандир. Худди намоз ўқиш ва рўза тутиш мусулмон бўлмаган одамдан талаб қилинмаганидек, ундан закот бериш ҳам талаб қилинмайди.

????? ?????? ?????????? ??????? ?????? ?????????????? ??????  
??????????? ?????? ?????? ?????????? ?????????? ?????? ??????  
????????? ??? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????????? ??????

?????????: «????? ?????????? ?????? ?????? ??????  
????????? ?????? ?????????????? ?????????????? ??????  
????? ?????????? ?????? ??? ?????? ?????? ?????? ??????  
????????? ?????? ?????????? ?????? ?????? ?????? ??????  
????????? ?????? ?????????? ?????????????????? ??????  
????? ?????? ?????? ?????????? ?????? ?????? ?????? ???  
????? ?????? ?????????? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????  
????? ?????????? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????  
????????????? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????  
????????? ?????? ?????????? ?????? ?????? ?????? ??????  
????????? ?????? ?????????? ?????? ?????? ?????? ??????  
????? ??????».

?????????????????.

Ибн Аббос розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Муоз ибн Жабални Яманга юбораётіб, унга қуидагиларни айтғанлар: **«Албатта, сен аҳли китоб қавмнинг ҳузурига борасан. Уларнинг ҳузурига етиб борсанг, уларни «Лаа илааҳа иллаллоҳу ва Мұхаммадан Расулуллоҳ», деб шаҳодат беришга даъват қил. Агар улар сенга бунда итоат қилишса, Аллоҳ уларга ҳар кеча-кундузда беш вақт намозни фарз қилганининг хабарини бер. Агар улар сенга бунда ҳам итоат қилишса, Аллоҳ уларга уларнинг бойларидан олиниб, фақирларга қайтариладиган садақани фарз қилганини хабар қил. Агар улар сенга бунда итоат этишса, яхши молларини олишдан эҳтиёт бўл. Мазлумнинг дуосидан қўрқ. Чунки у (дую) билан Аллоҳнинг орасида парда йўқдир», дедилар».**

*Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насоий ривоят қилган.*

Ушбу ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам закот беришни таклиф қилиш иймонга келганларидан кейин бўлишини таъкидлаганлар.

2. Балоғатга етган бўлиш.

3. Оқил бўлиш.

Уламолар бу икки шартни «мукаллаф бўлиши» деб бирлаштирганлар. «Мукаллаф» деганда шариат ҳукмлари унга нисбатан таклиф қилинган, яъни қилиши фарз бўлган шахс тушунилади. Бу ерда асосан балоғатга етганлик ва оқиллик кўзда тутилган. Шунинг учун балоғатга етмаган болаларга ва ақлдан озганларга закот фарз бўлмайди.

???? ???? ?????? ???? ???? ???? ???? ? ? ??? ???? ????????

?????? ???? ?????????? ?????????? ??????: «??????

?????????? ???? ??????????: ???? ?????????? ??????

?????????????? ?????? ?????? ?????????? ??????

????????????? ?????? ?????????????? ??????

?????????». ??????? ?????? ?????? ??????????????????

????????? ??????? ??????????????????.

Алий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қалам уч тоифадан қўтариилган: уйқудагидан, уйғонгунича; эҳтилом ёшига етгунича ёш боладан; ақли киргунича мажнундан», дедилар».**

*Абу Довуд, Насоий, Ибн Можа ва Ҳоким ривоят қилган.*

4. Ҳур бўлиш. Қул, мукотаб (озод бўлиш учун тўлов тўлашга хожаси билан шартнома тузган қул), мудаббар (хожаси «мен ўлгандан кейин озодсан» деган қул) ва умму валадларга (хожасидан бола кўрган чўриларга) моли бўлса ҳам, закот фарз бўлмайди, чунки уларнинг ўзи бирорвинг мулкидир. Шунинг учун уларнинг мулкка эгалиги тўлиқ эмас.

**«Мўминнинг нажоти» - муфассал закот китобидан**